

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАБАЕВ АБДУРАШИД ТЎРАМИРЗАЕВИЧ**

**ЯНГИ ТУЗИЛИШДАГИ ИККИ ҚАТЛАМЛИ ТРИКОТАЖ**  
**ТЎҚИМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИГА ТРИКОТАЖ**  
**МАҲСУЛОТЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИ КЕНГАЙТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва**  
**хом ашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Жўрабаев Абдурашид Тўрамирзаевич**

Янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш  
ҳисобига трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш..... 3

**Журабаев Абдурашид Турамирзаевич**

Улучшение ассортимента трикотажа за счет выработки новых структур  
двухслойных трикотажных переплетений..... 21

**Jurabayev Abdurashid**

Improvement of the assortment of knitwear by obtaining new structures of double-  
layer knitted fabrics ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАБАЕВ АБДУРАШИД ТЎРАМИРЗАЕВИЧ**

**ЯНГИ ТУЗИЛИШДАГИ ИККИ ҚАТЛАМЛИ ТРИКОТАЖ**  
**ТЎҚИМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИГА ТРИКОТАЖ**  
**МАҲСУЛОТЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИ КЕНГАЙТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва**  
**хом ашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1649 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холиқов Қурбанали Мадаминович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманиёзов Қадам Жуманиязович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мелибоев Умаржон Хайдарович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон табиий толалар институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 6 январь куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 228-76-75, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№392-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.)

Диссертация автореферати 2020 йил 28 декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил 28 декабрь № 30-рақамли реестр баённомаси).



**Р.М. Мурадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
техника фанлари доктори, профессор

**О.Ш.Саримсаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, техника фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Набижанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси уринбосари, техника фанлари номзоди, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга янги технологияларни қўллаш орқали уларнинг сифатини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Дунё миқёсида 17 млн. тоннадан кўп трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бутун тўқимачилик бозорининг 1/3 қисмини ташкил қилади. Тўқимачилик саноати Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, АҚШ ва Европа минтақасидаги давлатларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, рационал таркибли аралаш толали материалларни яратиш асосида уларнинг ассортименти кенгайтириш, маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш энгил саноатни ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибасида хомашё сарфини камайтириш, трикотаж тўқималари турларини кенгайтириш, трикотаж ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш катта аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада: трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларини кенгайтириш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, машинанинг иш унумдорлигини ошириш, нақш ҳосил қилиш имкониятларини кенгайтириш, трикотаж машина-механизмлари ва ишчи аъзоларининг конструкциясига ўзгартириш киритиш ва такомиллаштириш, трикотаж тузилишига қўшимча элементлар киритиб, хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозорида мустаҳкам ўз ўринларини топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш...»<sup>2</sup> вазифаси белгилаб берилган. Бу борада устки трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг юқори технологик усулларини ўзлаштиришда сезиларли натижаларга эришилиб, жумладан, трикотаж маҳсулотлар ассортименти, янги мато турлари, икки игнадонли трикотаж машиналарида тайёрланувчи энгиллаштирилган ва иссиқлик сақлаш хусусияти юқори бўлган тузилишга эга трикотаж тўқималари билан бойитилди. Бугунги кунда тайёр маҳсулотга сарф қилинган маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш улушини оширишда халқаро стандартлар талабига жавоб берувчи рақобатбардош, ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5285-сон Фармони, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4186-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Трикотаж саноати ҳозирги кунда тўқимачилик саноатининг энг муҳим тармоғи ҳисобланади. Трикотаж маҳсулотлари замонавий, амалий жиҳатдан қулай ва харидоргирдир. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, тўқималарнинг тузилиши ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар бир қатор олимлар: М.Савадзаки, Е.Харима, С.Ерисуэ, А.Мазжорие Taylor, L. Walter, M. Walker, Ch. Phillips, A. Wilkes, A. Wynne, David, J. Spencer ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Бу илм соҳасида трикотаж маҳсулотларининг ассортиментини кенгайтириш ҳамда трикотаж тўқимасининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича проф. А.С. Далидович, И.И. Шалов, Л.А. Кудрявин, В.П. Щербачков, В.Н. Гарбарук, В.М. Лазаренко, В.А. Зиновьева, Л.П. Ровинская, И.Г. Цитович, Б.Б. Строганов, Е.И. Битус, В.А. Заваруев, А.В. Труевцев, М.М. Муқимов, Н.Р. Ханхаджаева каби бир қатор олимларнинг фундаментал ишлари маълум.

Ҳозирги кунда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш, тўқима тузилишига ўзгартириш киритиб, трикотаж маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини ошириш йўналишида санокли олимлар иш олиб бормоқдалар. Трикотаж машиналарида икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш усули ва тузилишига бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, бунда Республикамизнинг трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида ўрнатилган замонавий трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, хом ашё сарфи кам бўлган янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотаж маҳсулотларини ассортиментини кенгайтириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифалардан биридир.

**Тадқиқотнинг мақсади** трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, сифат кўрсаткичлари юқори, хом ашё

сарфи кам бўлган янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотаж маҳсулотларини ассортиментини кенгайтиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

хом ашё сарфи кам бўлган икки қатламли трикотаж тўқималарининг мавжуд тузилишларини, янги ассортимент тўқималарини олиш учун икки игнадонли трикотаж машиналарининг технологик имкониятларини ўрганиш;

қатламлари турли усулда бириктирилган икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

икки қатламли трикотаж тўқималари қатламларини бириктириш усулини трикотажнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига таъсирини тадқиқ этиш;

хом ашё сарфи кам бўлган, шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган янги тузилишли икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ваикки қатламли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига трикотаж структурасидаги кўшимча элементларнинг таъсир этиш қонуниятларини аниқлаш;

икки қатламли трикотаж тўқимасини орқа қатлам ҳалқа ипи узунлиги ўзгаришини, трикотажнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига таъсирини тадқиқ этиш, ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлик графикларини олиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида трикотаж тўқималари, тузилишлари, улар асосида олинган янги тузилишдаги тўқималар, трикотаж тўқув машиналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** янги тузилишдаги трикотаж тўқималарини тузилиши ва олиш технологиялари, трикотаж тўқималари ассортиментини, янги таклиф этилган трикотаж тўқималарини технологик параметрлари ва физик-механик хусусиятларини ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тўқув назарияси асослари, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усуллари ҳамда компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ва чет эл технологиялари, мавжуд ва истиқболли трикотаж маҳсулотлари истеъмол кўрсаткичлари, уларга таъсир қилувчи омиллар таҳлили натижалари асосида янги тузилишга эга бўлган икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш ва унинг қатламларини бириктиришнинг мақбул усуллари илмий асосланган ва танлаб олинган;

икки қатламли трикотаж қатламларини бириктириш усулининг трикотажнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига таъсири натижасида мато хусусиятларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда хом ашё сарфи кам ва шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган янги тузилишли икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

икки қатламли трикотажд тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига трикотаж таркибидаги кўшимча элементларнинг таъсири қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда икки қатламли трикотаж тўқималарининг рационал таркиби ва кўрсаткичлари аниқланган;

ташқи муҳит билан икки қатламли трикотаж матосининг иссиқлик-физикавий хусусиятларини моделлаштириш ва таҳлил қилиш орқали матодаги иссиқлик алмашинуви жараёнининг назарий асослари ва матонинг иссиқлик сақлаш хусусиятлари аниқланган;

рототабелли марказий композицион тажриба йўли билан пахта толасининг икки қатламли трикотаж тўқималаридаги юза ва хажм зичликлари улуши бўйича регрессия тенгламаси олинган ва унинг таҳлили натижаларига кўра матонинг юқори истеъмол хусусиятларини таъминловчи рационал тузилиши ва параметрлари аниқланган ;

икки қатламли трикотаж тўқимаси орқа қатлами ҳалқа ипи узунлиги ўзгаришининг трикотаж матоси технологик кўрсаткичлари ва унинг физик-механик хоссаларига боғлиқлик қонунияти асосида тўқиманинг талаб қилинган хусусиятларини таъминловчи ҳалқа ипи узунлиги ва матонинг технологик кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида қатламлари турли усулда бириктирилган янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш усуллари ишлаб чиқилган;

юқори физик-механик ва харидоргирлик хусусиятларига эга бўлган икки қатламли трикотаж тўқималарининг янги тузилиши ва уларни тўқиш усуллари ишлаб чиқилган;

бир қатор трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида трикотаж матолари ассортименти кенгайтириш, улардан импорт ўрнини босувчи рақобатбардош, сифатли трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида, янги тузилишга эга бўлган ва ишлаб чиқариш усули такомиллаштирилган икки қатламли трикотаж тўқималари яратилган ва корхона шароитида ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишида шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқотларга, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлигига, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш критерийларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқилаётган фан соҳасидаги маълумотлари билан қиёсий таҳлилига кўра асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хом ашё сарфи кам, шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган икки қатламли трикотаж тўқималарини янги тузилишини ва олиш усуллари ишлаб чиқиш, икки қатламли трикотаж тўқимасини орқа қатламининг ҳалқа ипи узунлиги ўзгаришини, трикотажнинг технологик



кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига таъсирини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари олинган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти юқори сифат кўрсаткичларига ва истеъмолчилик хусусиятларига эга, хомашё сарфи кам бўлган янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарининг тузилиши ва олиш усуллари ишлаб чиқилганидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида:

янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тасарруфидаги «YANTECH» МЧЖ трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва хом ашё сарфини 28% гача камайтириш имконияти яратилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси 17 ноябрь 2020 йил, №04/18-2694сонли маълумотномаси).

«AVILION KOKAND» МЧЖ трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва хом ашё сарфини 29% гача камайтириш имконияти яратилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси 17 ноябрь 2020 йил, №04/18-2694сонли маълумотномаси).

«FARANGIZ RAYHON TEX» МЧЖ корхонасида эса трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва хом ашё сарфини 33% гача камайтириш имконияти яратилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси 17 ноябрь 2020 йил, №04/18-2694сонли маълумотномаси). Натижада, трикотаж тўқимаси таркибига арқоқ ипини киритиш ҳисобига, трикотаж қалинлигини ошириш ва ҳажмий зичлигини камайтириш, ҳажмий зичлик кўрсаткичсини асос тўқимасига нисбатан 6% дан 33 % гача камайтиришга эришилган ва маҳаллий корхоналарда ички ва ташқи бозорга мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 22 та илмий-техник анжуманларда, шу жумладан 14 та ҳалқаро, 8 та Республика илмий анжуманларида ва 2 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 34 та илмий ишлар чоп этилган, 1 та монография, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 та хорижий 1 та SKOPUSда журналларда 3 та маҳаллий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Икки қатламли трикотаж тўқималарининг тузилиши ва олиш усулларига оид адабиётлар таҳлили»** деб номланган биринчи боби адабиёт манбааларининг таҳлилига бағишланган бўлиб, хусусан, трикотаж технологияси, тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини яхшилашга бағишланган кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон трикотаж корхоналарида турли хилдаги айлана ва ясси игнадонли трикотаж машиналари ўрнатилган. Уларнинг кўпчилиги жуда кенг технологик имкониятларга эга. Лекин корхона шароитида кўпинча ҳеч қандай нақш самарасига эга бўлмаган сидирға тўқималар ишлаб чиқариш билан чегараланиб қолинмоқда. Маҳсулот сифати, ташқи кўриниши ва нақш самарасини ошириб, харидор талабига жавоб берадиган, шу билан бирга корхоналарда ўрнатилган икки игнадонли машиналарнинг технологик имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш имконини барадиган икки қатламли трикотаж тўқималари ишлаб чиқарилмаяпти.


Умуман ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, олдиндан белгиланган хусусиятларга эга янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириб, келтирилган муаммонинг ечимини топиш зарурияти ушбу илмий тадқиқот вазифаларини белгилаб берди.

Диссертациянинг **«Қатламлари турли усулда бириктирилган икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи боби икки ясси игнадонли машиналарда қатламлари турли усулда бириктирилган икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Хом ашё сарфини камайтириш ва трикотаж тўқималари ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, PROTTI PT-242-русумли (Италия) ясси игнадонли машинанинг технологик имкониятларини кенгайтириш мақсадида икки қатламли трикотаж тўқима тузилишининг 7 та варианты ва уни тўқиш усули ишлаб чиқилди. Хом ашё сифатида пахта калава ипи, полиэфир ипи, юқори киришувчан лайкра ипи ва полиакрилонитрил калава ипларидан фойдаланилган. Ишлаб чиқарилган икки қатламли трикотаж тўқимасининг график ёзуви 1-расмда келтирилган. Асос тўқима сифатида мустақил қатламлари кўшимча ип ёрдамида пресси бириктирилган икки қатламли трикотаж тўқимаси ишлаб чиқарилган (I вариант).



1-расм. Икки қатламли трикотаж тўқималарининг график ёзуви




2-расм. Икки қатламли трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлигини ўзгариши

Икки қатламли трикотаж тўқимаси тузилишини ўзгартириш ва турли хил хом ашёдан фойдаланиш ҳисобига барча вариантдаги икки қатламли трикотаж тўқималарининг ҳажмий зичлик кўрсаткичи асос тўқимага нисбатан сезиларли даражада камлиги аниқланди (2-расм).

Икки қатламли трикотаж тўқималарининг тузилишини ўзгариши унинг физик-механик хусусиятларини ўзгаришига олиб келди. Таклиф этилган янги икки қатламли трикотаж тўқималарининг физик-механик хусусиятлари таҳлили натижаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, бунда узилиш кучи, ҳаво ўтказувчанлик, қайтар деформация улуши ва ишқаланишга чидамлик кўрсаткичлари асос тўқима кўрсаткичларидан катта, трикотаж тўқимасининг бўйи ва эни бўйича узилишдаги чўзилиши ва киришувчанлик кўрсаткичлари эса кам бўлиб, бу трикотажнинг юқори шакл сақлаш хусусиятига эга эканлигидан далолат беради.

Олинган таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, III, IV, V, VII вариант намуналари асос тўқимасига нисбатан энг кичик ҳажмий зичлик кўрсаткичига, яъни III вариант 20 % га, IV вариант 20 % га, V вариант 26 % га, VII вариант 19 % га камлиги маълум бўлди.


Диссертациянинг «**Орқа қатлам ҳалқа ипи узунлигини икки қатламли трикотажнинг технологик кўрсаткичларига ва физик-механик хусусиятларига таъсирини тадқиқи**» деб номланган учинчи боби икки қатламли трикотаж тўқимасининг орқа қатламини шакллантирувчи ҳалқа ипи узунлигини унинг технологик кўрсаткичлар ва физик-механик хусусиятларига таъсири ўрганилди. Бунинг учун Long Xing 252 SC -русумли ясси игнадонли машинада икки қатламли трикотаж тўқимасининг 7 та вариант намуналари ишлаб чиқилди. Трикотаж вариантлари бир биридан трикотаж тўқимасининг орқа қатламини шакллантирувчи ҳалқа ипи узунлигини ўзгартириш билан фарқ қилади. Икки қатламли трикотаж тўқимаси ярим фанг тўқимаси асосида олинган. Тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлди, бунда орқа қатлам ҳалқа ипи узунлигини ошиши натижасида трикотажнинг юза ва ҳажм зичликлари камайиб боради (3-расм).



**3-расм. Орқа қатлам ҳалқа ипи узунлиги турлича бўлган икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза ва ҳажм зичликлари ўзгариши**

Бунда трикотажнинг юза зичлигини камайиш даражаси трикотажнинг ҳажм зичлигини камайиши даражасидан юқори бўлади. Масалан, трикотажнинг орқа қатлами ҳалқа ипи узунлиги 6,18 ммдан 9,16 ммгача ошганида, трикотажнинг юза зичлиги эса 20,4% га камаяди. Орқа қатлам ҳалқа ипи узунлигини трикотажнинг абсолют ҳажмий ва нисбий енгиллик кўрсаткичларига таъсири 4-расмда келтирилган.

Икки қатламли трикотаж тўқимаси орқа қатлам ҳалқа ипи узунлигининг ўзгариши, трикотажнинг физик-механик хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатади. Орқа қатлам ҳалқа ипи узунлигини ошиши натижасида икки қатламли трикотаж тўқимасини ҳаво ўтказувчанлик, узилишдаги узайиши ва киришиш кўрсаткичлари ошиб боради, трикотажнинг узулиш кучи, иссиқлик ўтказишга қаршилиқ кўрсаткичлари эса камаяди.



**4-расм. Орқа қатлам ҳалқа ипи узунлигини трикотажнинг абсолют ҳажмий ва нисбий енгиллик кўрсаткичларини ўзгариш графиги**

Таклиф этилаётган трикотаж тўқималарининг ишқаланишга чидамлилиқ ва қайтар деформация кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгармади. Икки қатламли трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларининг комплекс баҳолаш диаграммаси ва қиёсий гистограммаси натижалари шуни кўрсатдики, трикотаж тўқимасининг I, II, III вариантлари энг яхши вариант наъмуналари деб топилди. Ушбу вариант намуналарининг гигиеник ва шакл сақлаш, иссиқлик ўтказишга қаршилиқ кўрсаткичлари юқори, шу сабабдан устки трикотаж маҳсулотлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Диссертациянинг учинчи бобида трикотаж матоларида иссиқлик алмашинуви жараёнининг тадқиқоти олиб борилган бўлиб, бунда трикотаж матолари ўзининг структураси бўйича бошқа мавжуд ғовакли материаллардан фарқ қилишини ҳисобга олган ҳолда, трикотаж матоларда иссиқлик узатилиши ва сақлаш технологиясида асосий кўрсаткичлар танловини асослаш бўйича амалий вазифаларнинг ечимини топиш учун бир хил турдаги ипларни тўқиш матодаги иссиқлик алмашинуви жараёни асосий қонуниятларини бўйича назарий тадқиқотларни амалга оширилган. Ишда

матони ўраб турган ҳавонинг маълум ҳароратида (агентда) “ҳаво-мато” атроф муҳитида моделлаштириладиган, мато қатламида иссиқлик узатиш кинетикасига оид масала кўриб чиқилган. Вақт бўйича ҳарорат (иссиқлик узатиш кинетикаси) ўзгариши ҳаво ва мато орасидаги ҳарорат фарқига пропорционал деб, ҳаво ва мато ҳароратлари баланс тенгламалари тузилди:

$$C_v \rho_v h \frac{dT_v}{dt} = \alpha(T_p - T_v) \quad (1)$$

$$C_p \rho_p h \frac{dT_p}{dt} = \alpha(T_v - T_p) \quad (2)$$

бу ерда:  $C_v$  ва  $C_p$  - мувофиқ равишда ҳаво ва матонинг солиштирма иссиқлик сифими  $\text{Дж}/\text{кг} \cdot ^\circ\text{C}$ ;

$\alpha$  - ҳаво ва мато орасидаги иссиқлик узатилиши коэффициентини;

$h$  - мато қатламининг қалинлиги, м,

(1) ва (2) тенгламаларни қўшиб, “ҳаво-мато” тизими учун қуйидаги баланс тенгламасини оламиз:

$$C_p \frac{dT_p}{dt} + C_v \frac{dT_v}{dt} = 0$$

Ушбу тенгламанинг интегрални қуйидаги кўринишга эга бўлади:


$$C_p \rho_p T_p + C_v \rho_v T_v = C_p \rho_p T_{0p} + C_v \rho_v T_{0v} \quad (3)$$

Белгилаб қўямизки, бунда мато ҳарорати унинг дастлабки  $T_{0p} - T_{0v}$  қиймати фарқига боғлиқ бўлган ҳолда,  $T_{0p} < T_{0v}$  бўлганда, монотон ортиб бориши ва  $T_{0p} > T_{0v}$  бўлганда эса, монотон камайиб бориши мумкин.

Бунда ҳаво ҳарорати аксинча ҳудди шундек,  $T_{0p} < T_{0v}$  бўлган ҳолатда, монотон камаювчи ва  $T_{0p} > T_{0v}$  ҳолатда ортиб боради. Шундай тарзда,  $T_{0p} < T_{0v}$  ҳолатда мато қўшимча қизийди,  $T_{0p} > T_{0v}$  бўлганда эса, у совийди. Мато (5-расм) ҳароратининг (мато юзасидаги  $\beta$  тола улушининг турли қиймати учун вақт бўйича  $T_{0v}$  га киритилган) ўзгариб бориши эгри чизиғи тақдим этилган.

$$\rho_p = 10(\text{кг}/\text{м}^3);$$

$$\rho_p = 30(\text{кг}/\text{м}^3)$$



**5-расм. Мато зичлиги 2 та қиймати  $\rho_p$  (кг/м<sup>3</sup>) ва ҳажмий юзадаги тола улуши  $\beta$  турлича:  $1-\beta = 0.2$ ,  $2-\beta = 0.3$ ,  $3-\beta = 0.5$ ,  $4-\beta = 0.9$  бўлганда,  $t$ (сек)**

**вақт бўйича мато ҳароратининг  $T_p$  ( $T_{0v}$  га киритилган) ўзгариши**

Эгри чизиклар таҳлилидан кўриниб турганидек, бунда мато юзасидаги толаларнинг ҳажмий зичлиги ортиши ҳисобига мато зичланиши, шунингдек, мато юзасидаги толанинг ҳажмий улуши иссиқлик узатилиши темпи камайишига олиб келиши сабабли, матони талаб қилинган қизитиш даражаси таъминламайди.

Оптималлашда асосий масала трикотажд тўқимасининг ҳажм зичлигига таъсир қилувчи аҳамиятли омилларни аниқлаб олишдир, бунда пахта ипи улуши ва орқа қатлам ҳалқа ипи узунлиги асосий омиллар сифатида танлаб олинган.

Юқоридагилардан оптималлаш параметрлари қуйидагилардан иборат бўлади:

$Y$  - трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлиги, %;

Трикотаж тўқимасининг ҳажмий зичлигига таълуқли назарий-тадқиқот ишларини адабий шарҳлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда оптималлаш параметрларига таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагилар танлаб олинди:

$X_1 = 33 \div 45$  – пахта ипи улуши, %;

$X_2 = 5.62 \div 9.84$  – орқа қатлам ҳалқа ипи узунлиги, мм;

Дастлабки синов тажрибалар ёрдамида омилларнинг асосий сатҳи ва ўзгариш оралиғи қийматлари аниқлаб олинади:

### 1-жадвал

**Тадқиқ этилаётган омиллар ўзгариш сатҳлари ва оралиқларини танлаш**

| Омиллар белгиланиши | Ўзгартириш сатҳлари |      |      |      |        | Ўзгартириш оралиғи |
|---------------------|---------------------|------|------|------|--------|--------------------|
|                     | -1,414              | -1   | 0    | +1   | +1,414 |                    |
| $X_1$               | 33                  | 35   | 39   | 43   | 45     | 4                  |
| $X_2$               | 5.62                | 6.24 | 7.73 | 9.22 | 9.84   | 1.49               |

Умумий асосларда омилларнинг табиий қийматларидан кодланган қийматларига ўтамыз.

Ўтказилган дастлабки натижалар асосида икки қатламли трикотаж матолар технологик кўрсаткичларини оптимал қийматини аниқлаш бўйича тадқиқотларни давом эттирилди. Тажриба натижаларига асосан чикувчи параметрларни тегишли қийматларини параметрларини оптималлаш учун кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$Y$ - трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлиги, %;

$$Y_R = 224.49 - 4.5x_1 - 8.1x_2 + 2.9x_1^2 + 3.11x_2^2 \quad (4)$$

Ўтказилган тажрибалар ва рототабелли марказий композицион тажрибалар натижасида олинган регрессия тенгламаларининг аналитик ечилишида олинган боғлиқлик графиклари таҳлили шуни кўрсатдики, пахта

ипи улушининг  $x_1 = 38 \%$ , орқа қатлам ҳалқа ипи узунлиги  $x_2 = 7.5$  мм бўлганда трикотаж мотонинг ҳажмий зичлиги энг минимал бўлиши қийматга эришиши аниқланди.

Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларига кўра янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж матосини ишлаб чиқаришда асосий технологик параметрларни оптимал қийматлари тавсия этилди.

**Диссертациянинг «Янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологияси»** деб номланган IV бобида ясси икки игнадонли трикотаж машиналарининг технологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, икки қатламли трикотаж тўқималарини янги тузилишлари ва олиш усуллари ишлаб чиқилган. Трикотаж тўқималари ассортиментини кенгайтириш, хом ашё сарфини камайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида Long Xing русумли машинада икки қатламли трикотаж тўқимасининг 3 та вариант намуналари ишлаб чиқарилди.

Трикотаж тўқимасининг олд ва орқа қатламлари 31 текс х 2 чизикли зичликка эга бўлган полиакрилонитрил калава ипидан тўқилди.

Технологик кўрсаткичларни тадқиқ этиш натижалари асосида, икки қатламли трикотаж тўқима намуналари ҳажмий зичлик кўрсаткичи бўйича ўзаро таққосланганда III вариант трикотаж тўқимаси энг кичик ҳажм зичлигига эга бўлди. Ушбу вариант трикотаж тўқимаси тузилишига глад ҳалқа қатори киритилган.

Тадқиқот натижалари таҳлилидан маълум бўлдики, бунда икки қатламли трикотаж тўқимасининг тузилишини ўзгартириш ҳисобига трикотажни ҳажмий зичлигини камайтириш, бўйи ва эни бўйича пишиқлигини ошириш, чўзилувчанлик ва киришувчанлик хусусиятларини камайтиришга эришиш мумкин, бунинг натижасида тўқиманинг шакл сақлаш хусусияти яхшиланади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилган икки қатламли трикотаж тўқима намуналарининг истеъмолчилик хусусиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Хом ашё сарфини камайтириш, трикотаж тўқималари ассортиментини кенгайтириш ва унинг шакл сақлаш хусусиятини ошириш мақсадида икки қатламли трикотаж тўқималари таркибига арқоқ ипи киритилиб, арқоқли икки қатламли трикотаж тўқималарини янги тузилишлари ва олиш усуллари ишлаб чиқилди.


Арқоқли икки қатламли трикотаж намуналарининг 5 та варианты Long Xing фирмасига тегишли бўлган LXA 252 SC русумли 14-класс ясси икки игнадонли трикотаж машинасида ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқарилган арқоқли икки қатламли трикотаж тўқималарининг графикли ёзуви б-расмда келтирилган.

Асос ва арқоқ ипи сифатида 31 текс х 2 чизикли зичликка эга бўлган полиакрилонитрил калава ипидан фойдаланилди.

Тақдим этилган арқоқли икки қатламли трикотаж тўқима вариантларини ўзаро таққослаш мақсадида асос тўқима сифатида ярим фанг асосида олинган икки қатламли трикотаж тўқимаси ишлаб чиқарилди (I вариант).






**6-расм. Ишлаб чиқарилган арқоқли икки қатламли трикотажд тўқималарининг графикли ёзуви**

Трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари таҳлили натижаларидан қуйидагилар маълум бўлди: арқоқли икки қатламли трикотаж тўқима намуналарини юза ва ҳажмий зичлик кўрсаткичлари бўйича ўзаро таққослаш натижасида V, III, II вариант намуналари энг кичик юза зичлик кўрсаткичига эга бўлди, III, IV, V вариант арқоқли икки қатламли трикотаж тўқима намуналари эса, энг кам ҳажмий зичлик кўрсаткичига эга бўлди. Трикотаж тўқимаси тузилишига арқоқ ипини киритган ҳолда, энг кичик ҳажмий зичликка эришиш мумкин, яъни ҳажмий зичлик кўрсаткичи асос тўқимасига нисбатан 6% дан то 33% гача оралиқда камайди ва юқори шакл сақлаш хусусиятига эга бўлди. Трикотаж тўқималари тузилишини ўзгартирилиши унинг физик-механик хусусиятларини ўзгартиришига олиб келади.

Арқоқли икки қатламли трикотаж тўқималарининг физик-механик хусусиятлари стандарт усулда аниқланди ва олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.

**Арқоқли икки қатламли трикотаж тўқимасининг  
физикавий-механик хусусиятлари**

| Кўрсаткичлар                                                |             | Вариантлар                                |       |       |       |       |
|-------------------------------------------------------------|-------------|-------------------------------------------|-------|-------|-------|-------|
|                                                             |             | I                                         | II    | III   | IV    | V     |
| Иплар тури ва<br>чизикли зичлиги,<br>текс                   | Олд қатлам  | Полиакрилонитрил калава ипи<br>31текс x 2 |       |       |       |       |
|                                                             | Орқа қатлам |                                           |       |       |       |       |
|                                                             | Арқоқ ипи   |                                           |       |       |       |       |
| Трикотажнинг юза зичлиги $M_s$ , г/м <sup>2</sup>           |             | 487,6                                     | 508,6 | 467,7 | 518,7 | 408,7 |
| Қалинлиги T, мм                                             |             | 1,4                                       | 2,1   | 2,7   | 2,85  | 2,2   |
| Ҳажмий зичлиги $\delta$ , мг/см <sup>3</sup>                |             | 256,6                                     | 242,2 | 173,2 | 182   | 185,8 |
| Абсолют ҳажмий енгиллик $\Delta\delta$ , мг/см <sup>3</sup> |             | -                                         | 14,4  | 83,4  | 74,6  | 70,8  |
| Нисбий енгиллик $\theta$ , %                                |             | -                                         | 6     | 33    | 29    | 28    |
| Ҳаво ўтказувчанлик B, см <sup>3</sup> /см·сек               |             | 54,5                                      | 42,7  | 44,4  | 36,8  | 48,7  |
| Ишқаланишга чидамлик И, минг айл.                           |             | 32,0                                      | 33,2  | 31,6  | 30,0  | 36,0  |
| Узилиш кучи P, Н                                            | бўйи бўйича | 490,6                                     | 514,6 | 672   | 756   | 548,1 |
|                                                             | эни бўйича  | 248,4                                     | 314,2 | 276   | 386   | 222   |
| Узилишдаги узайиш<br>L, %                                   | бўйи бўйича | 23,8                                      | 15,4  | 19,8  | 14,0  | 8,6   |
|                                                             | эни бўйича  | 28,3                                      | 8,9   | 9,2   | 7,6   | 8,2   |
| Қайтмас<br>деформация $\varepsilon_n$ , %                   | бўйи бўйича | 20                                        | 19    | 18    | 14    | 14    |
|                                                             | эни бўйича  | 25                                        | 28    | 30    | 0     | 28    |
| Қайтар деформация<br>$\varepsilon_o$ , %                    | бўйламасига | 80                                        | 81    | 82    | 86    | 86    |
|                                                             | эни бўйича  | 75                                        | 72    | 70    | 100   | 72    |
| Киришиш K, %                                                | бўйи бўйича | 2                                         | 2     | 3     | 1     | 2     |
|                                                             | эни бўйича  | 4                                         | 0     | 0     | 0     | 0     |



**7-расм. Арқоқли икки қатламли трикотаж тўқимасининг узилиш кучи ўзгаришининг гистограммаси**

Олинган натижалар таҳлилидан маълум бўлдики, икки қатламли трикотаж тўқимаси тузилишига арқоқ ипларини киритилиши, трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлик, ҳаво ўтказувчанлик, узилишдаги узайиш ва шакл сақлаш каби кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

«Янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотаж махсулотлари ассортиментини кенгайтириш» бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосаларга тақлиф этилди:

1. Трикотаж ишлаб чиқаришнинг бугунги ҳолатини таҳлили шуни кўрсатдики, бунда тадқиқот натижаларини тизимлаштириш ва трикотаж тўқималарини назариясини яратиш бўйича тузилиши бош, ҳосилали ва нақшли тўқима элементларидан таркиб топган, турли хусусиятларга эга бўлган янги турдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш усулларини ишлаб чиқиш тўқимачилик саноатининг долзарб муаммоларидан биридир.

2. Қатламлари турли усулда бриктирилган янги тузилишга эга икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

3. Хомашё сарфи кам бўлган, шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологияси ишлаб чиқилган ва трикотаж таркибидаги қўшимча элементларни унинг технологик кўрсаткичларига ва физик-механик хусусиятларига таъсир этиш қонуниятлари ишлаб чиқилган.

4. Икки қатламли трикотаж тўқимасининг орқа қатлам ҳалқа ипи узунлиги ўзгаришини, трикотажнинг технологик кўрсаткичларига ва физик-механик хусусиятларига таъсири ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланган.

5. Икки қатламли трикотаж тўқималарини турли бириктириш усулларидан фойдаланиш ҳисобига хом ашё сарфини 12-26 % га, трикотаж тўқимаси таркибига арқоқ ипини киритиш ҳисобига ҳажмий зичлик кўрсаткичинини асос тўқимасига нисбатан 6% дан то 33 % гача камайтиришга эришилди.

6. Назарий тадқиқотлар натижасида «Мухит-мато» тизимининг иссиқлик алмашинув модели олинди ва вақт мобайнида ҳароратни монотон ўзгариши экспоненциалга яқин қонуният бўйича амалга ошиши аниқланди, трикотаж матосининг ҳароратини дастлабки кўрсаткичига нисбатан ошиши ёки камайиши кузатилди

7. Модел таҳлилидан аниқланишича, икки қатламли трикотаж матосидаги ипларнинг зичлигини ошиши, матонинг умумий ғовақлигини камайишига олиб келади ва натижада матонинг иссиқлик ўтказиш қобилиятини пасайтиради.

8. Регрессия тенгламасининг таҳлили асосида трикотажнинг ҳажм зичлигига таъсир этувчи пахта ипи улуши ва орқа қатлам ҳалқа ипи узунлиги

каби омилларни бошқа омилларга нисбатан кучли таъсирга эга эканлиги маълум бўлди ҳамда уларнинг оптимал қийматларини аниқлашга эришилди.

9. Орқа қатлам ҳалқа узунлигининг аниқ қийматида трикотаж тўқимасининг иссиқлик ўтишига кўрсатиладиган қаршилик кўрсаткичлари ҳар хил қиймаларида пахта ипи улуши ва орқа қатлам ҳалқа ип узунлигини олд қатлам ҳалқа ипи узунлигига нисбати ихтиёрий бўлмасдан улар орасида чизиқли боғланиш мавжудлиги аниқланди.

10. Такдим этилаётган янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқимасини олиш технологияси ишлаб чиқаришга қўлланилганда олинган самарадорлик хом ашё сарфини камайтириш ҳисобига бир тонна полиакрилонитрил хом ашё қайта ишланганда II вариантда 2,76 млн сўм, III вариантда 16,02 млн. сўм, IV вариантда 14,297млн сўм, V вариантда 13,61млн. сўмни ташкил этди (2020 йил нархларида)

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ  
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ЖУРАБАЕВ АБДУРАШИД ТУРАМИРЗАЕВИЧ**

**РАСШИРЕНИЕ АССОРТИМЕНТА ТРИКОТАЖНЫХ ПОЛОТЕН  
ЗА СЧЁТ ВЫРАБОТКИ НОВЫХ СТРУКТУР ДВУХСЛОЙНОГО  
ТРИКОТАЖА**

**05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/T1649**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Холиков Курбанали Мадаминович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Жуманиёзов Кадам Жуманиязович**  
доктор технических наук, профессор

**Мелибоев Умаржон Хайдарович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Узбекский институт натуральных волокон**

Защита диссертации состоится 6 января 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Административный корпус Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый актовывый зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганском инженерно-технологическом институте (зарегистрирована №391). Адрес: 160115, г. Наманган, Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68

Автореферат диссертации разослан 28 декабрь 2020 года.  
(реестр протокола рассылки №30 от 28 декабрь 2020 года).



**Р.М. Мурадов**

Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

**О.Ш. Саримсаков**

Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

**Н.Н. Набижанова**

Зам. Председателя Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, к.т.н., доц.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике особое внимание уделяется вопросам повышения качества трикотажной продукции за счет внедрения в производство новых технологий и производству готовых изделий. «В мире производится более 17 млн. тонн трикотажных полотен и изделий, что составляет 1/3 всего мирового текстильного рынка, при этом число стран, где наиболее быстрыми темпами развивается текстильная промышленность можно включить Восточную Азию, Южную Азию, СНГ, Европу и США»<sup>1</sup>. Исходя из этого для развития легкой промышленности важно комплексное решение вопросов повышения качества и конкурентоспособности продукции, совершенствования технологических процессов, расширения ассортимента смешанных материалов на основе разработки рациональных составов, эффективного использования местного сырья.

В мировой практике большое внимание уделяется снижению материалоемкости, увеличению видов трикотажных полотен, усовершенствованию технологии трикотажного производства. В этой сфере проведение целенаправленных научных исследований в таких направлениях как расширение технологических возможностей трикотажных машин, автоматизирование технологических процессов, повышение производительности оборудования, расширение возможностей узорообразования, изменение и совершенствование конструкции механизмов и рабочих органов трикотажных машин, улучшение свойств и показателей качества трикотажных полотен путем включения в их структуру дополнительных элементов является одной из важнейших задач в развитии данной отрасли.

В годы независимости Республики уделяется особое внимание завоеванию достойного места среди производителей текстиля на мировом рынке. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы одной из задач обозначено «...развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки сырьевых ресурсов...»<sup>2</sup>. В этом направлении достигнуты значительные успехи в освоении высокотехнологичных способов производства верхних трикотажных изделий, в т.ч. ассортимент трикотажа обогащен новыми видами полотен, трикотажными переплетениями, обладающими облегченной структурой и повышенными теплозащитными свойствами, вырабатываемыми на двухфонтурных машинах.

Сегодня для повышения доли переработки местного сырья в готовые изделия необходимо разрабатывать ресурсосберегающие конкурентоспособные технологии, отвечающие требованиям международных стандартов.

---

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан 7 февраля 2017 г., № УП-4947 Стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах.



В этом направлении одними из важных задач являются полное использование технологических возможностей вязального оборудования, установленного на трикотажных предприятиях, получение двухслойного трикотажного полотна с высокой производительностью, производство импортозамещающей конкуренто-способной качественной трикотажной продукции.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы», №УП-5285 от 14 декабря 2017 года «О мерах по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению: II. «Энергетика, энергии- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Трикотажная отрасль сегодня считается важнейшей в текстильной промышленности. Трикотажная продукция современная, практичная и пользуется большим потребительским спросом. Вопросы совершенствования технологии производства трикотажных изделий, исследования строения и физико-механических свойств трикотажных полотен рассмотрены в научно-исследовательских работах ряда зарубежных ученых таких, как М.Савадзаки, Е.Харима, С.Ерисуэ, А.Mazjorie Taylor, L. Walter, M. Walker, Ch. Phillips, A. Wilkes, A. Wynne, David, J. Spencer и других.

В данной области наук известны фундаментальные научные труды по расширению ассортимента трикотажных изделий и исследованию технологических параметров и физико-механических свойств ряда ученых как проф. А.С. Далидович, И.И. Шалов, Л.А. Кудрявин, В.П. Щербаков, В.Н. Гарбарук, В.М. Лазаренко, В.А. Зиновьева, Л.П. Ровинская, И.Г. Цитович, Б.Б. Строганов, Е.И. Битус, В.А. Заваруев, А.В. Труевцев, М.М. Муқимов, Н.Р. Ханхаджаева.

Сегодня немногие ученые работают в направлении эффективного использования местного сырья, повышения качественных показателей трикотажных изделий путем изменения структуры полотна. Анализ научно-исследовательских работ, посвященных строению и способам получения двухслойных трикотажных полотен на вязальных машинах показал, что важной научно-практической задачей является расширение ассортимента трикотажных изделий за счёт выработки новых структур двухслойного

переплетения, обладающих высокими качественными характеристиками и сниженной материалоемкостью путем полного использования технологических возможностей современных трикотажных машин установленных на предприятиях Республики.

**Цель исследования** заключается в расширении ассортимента трикотажных изделий за счёт выработки новых структур двухслойного переплетения, обладающих высокими качественными характеристиками и сниженной материалоемкостью путем полного использования технологических возможностей трикотажных машин.

**Задачи исследования:**

изучение существующих структур двухслойного трикотажа с уменьшенной материалоемкостью, технологических возможностей двухфонтурных вязальных машин для получения нового ассортимента трикотажных полотен;

разработка технологии получения двухслойного трикотажа с различным соединением слоев;

